

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ
ФАЛСАФА ВА ХУКУҚ

ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ХУКУҚИЙ ЖУРНАЛ

3
2021

FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ u ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

**ИРФОННИНГ МИСТИК ВА ЭЗОТЕРИК ИЛМЛАР БИЛАН ҚИЁСИЙ
ТАҲЛИЛИ****Исақова З.Р. -***НамДУ доценти,
фалсафа фанлари номзоди,*

Шарқ фалсафий тафаккурида инсон руҳияти, унинг маънавий оламини билиш, инсонларнинг ўзаро альтруистик-диалектик муносабатларини англаш, инсон маънавий камолотига аксеологик эътибор қаратиш бирламчи аҳамиятга эга бўлса, инсоннинг ижтимоий аҳволи кейинги ўрнида бўлган. Ғарб фалсафий тафаккурида асосий эътибор ташқи дунё табиатини билиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқлаш, инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини кондириш (прагматик)га қаратилган. Зеро, тамаддун фақат улкан имконият эмас, ақл бовар қилмас таҳдид ҳамдир.

Инсониятнинг бугунги кунгача эришган ютуқлари унинг тафаккури ва руҳий-маънавий оламида ўз ифодасини топган. Шу маънода айтиш мумкинки, билиш жараёнида ботиний (қалбий) билимлар бир вақтнинг ўзида инсоннинг илмий ва руҳий-эмоционал фаолиятини акс эттирувчи мураккаб, бирлаштирувчи ва интеграцион билиш жараёни бўлиб хизмат қилади.

Абу Ҳомид Ғаззолий илмни тақлидий (ўтмишдан мерос қолган, ота-она ва устозлардан олинадиган билим) ва кашф этилган илмга ажратиб, ҳар икки илмнинг моҳиятини таҳлил қилган. Тақлидий илмга кўр-кўрона эргашиш орқали эришилади. Кашф этилган илм ҳар бир инсоннинг ўзига хос қобилияти, истеъдоди, шуурий изланиши орқали кўлга киритилади. Ҳаётда жуда кўп одамлар тақлидий билимлар билан қаноатланидиларки, янгилик яратмай, тайёр ҳунар, илмни ўрганиб, кўп қатори яшаш осон. Муаммо шундаки, ҳар доим келажак авлод, тараккиёт, инсоният фикратини олға силжитиш учун илоҳий ва дунёвий ҳақиқат, креационал моҳиятни излаш, кашф этиш эҳтиёжи бўлган. Бу вазифа башарият томонидан “буюк сиймо” деб тан олинган ориф ва валий зотларга насиб этган. Ирфон илми “тақлид” қилиш илми эмас. Унинг ҳақиқий ибтидоси ва манбаи инсон қалбининг Худога абадий интилишида мужассамдир.

Қалбий билимлар ирфоний билиш усули бўлиб, ирфон илмининг моҳияти инсоннинг ички оламини разолатдан тозалаб, уни фазилат ва гўзал ахлоқли қилишда акс этади. Ирфон илми учун унга мутлақо бегона ва дунёқараш тескари билимлар “ҳужжат” деб асос қилиниши тасаввуфий-ирфоний кадрятлар ҳақидаги бир ёқлама хулосаларга раддия билдиришни тақозо этди.

Биринчи масала, мистика “сакрал мулоқот” (муқаддас, Худога бағишланган)га йўналган онгнинг ўзига хос ҳолати билан боғлиқ амалиёт тури бўлиб, “мистицизм” тушунчасининг моҳияти ва унинг бошқа динларга хослиги билан боғлиқ. Христиан мистиклари Худо билан бирлашиш диннинг энг юксак ютуғи деб ҳисоблайдилар. Европада тасаввуф, жумладан, ирфон илмини “ислом мистицизми” деб аталиши ирфон илмининг мазмунига зид, чунки мистицизм нарса-ходисаларнинг “сакрал” ибтидо билан воситасиз боғлиқлиги, теологик ва дунёқараш характериға эга бўлган рационалистик таълимотлар шаклидаги тасаввурлардир. Бу масаланинг ташқи томони, аслида ирфон илми ва ориф тўғрисидаги зоҳирий тасаввурлар (ғайратабий қобилиятли, асрлар қаъридан етиб келган илоҳий сирларнинг меросхўрлари ва замондан юқорида турувчи ва ўзида донишмандликни намоён этувчи, келажакни башорат қилувчи, нигоҳи билан даволовчи кишилар) ирфон илмининг ботиний жиҳатини очиб бера олмайди.

Ориф ўзини “мистик” деб атайдиган бошқа культ (сиғиниш, топиниш)лардан фарқланади. Ориф учун ташқи дин ҳақиқий ва муайян функцияни бажаришга қарамай фақат қобилдир. Бу ижтимоий доирани ётиб ўтишдан сўнг диннинг ҳақиқий моҳияти англашилади. Бошқа мактабларнинг мистик тафаккур тарзи сўфийларнинг тафаккур тарзидан тубдан фарқланади. Улар ташқи диний маросимлар доирасидан ташқарига чиқишлари мумкин,

бирок улар ташқи дин алоҳида тажрибага эга бўлишининг ибтидоси эканига эътибор қилишмайди. Улардан экстатик тушунганларининг кўпчилиги ўз динлари таркибидан ўсиб чиққан у ёки бу концепциянинг тантанавор рамзидаги муҳлис бўлиб қолади. Мистицизмнинг моҳиятига фалсафа ва онг орқали етиб бўлмаслиги, қалб кечинмалари билан боғлиқ руҳий тушунча бўлгани учун унга узоқ муддатли покланиш давридан ўтиб, маърифат ҳосил қилиш орқали эришилиши иддао қилинади.

Иккинчи масала, эзотеризм инсон руҳини тарбиялашга йўналган маънавий қоидалар тизимини тушуниш фактори (омили) экани билан боғлиқ. Бу қараш айрим динлар ва диний таълимотлардан олинган абстракт тушунчалар жамланмаси бўлгани учун маълум вақт ўтгач ўз аҳамиятини йўқотиши ёки қалб Аллоҳ билан боғланмагани ёхуд нафс тарбияси камолотга етмагани учун кўзланган натижа чиқмаслиги табиий. Эзотерика мавжуд жараёнга таъсир ўтказа олмайди, фақат қулай, фойдали вазият яратилишига ҳисса қўшади. Фикримиз тасдиғи эзотерик қарашлар тарихида мужассамдир: дастлабки эзотерик қарашлар қадимги хинд фалсафасининг “жайнизм” оқими ва хиндуйлик дини маросимлари ва урф-одатларида акс этган. Эзотерикада инсоннинг гап-сўзлари, ўй-фикри, хатти-ҳаракати ва воқеа-ҳодисаларга муносабати орқали ўз ҳаётини қандай яратаётганига эътибор қаратади. Эзотерик тафаккур илоҳий ҳодисаларга табиий фан қонун-қоидалари билан ёндашиб, уни моддий жараёнлар нуқтаи назаридан изоҳлайдики, эзотерикани “инсон онгининг рационаллашуви маҳсули” дейиш ўринли.

Эзотеризмни тавсифлашнинг аниқ тизими йўқлиги унинг асоси (фундамент) бўш эканига далолатдир. Ирфон илми эса қалбни ёлғиз Аллоҳга боғланиши билан эзотеризмдан тубдан фаркланадики, бунинг сабаби ирфон аҳлининг ишонч-эътиқоди, сўфиёна ҳаёт тарзи тавҳид, ҳол, риёзат ва ҳикмат билан боғлиқлиги орқали изоҳланади.

Учинчи масала, инсоннинг Аллоҳга қўшилиши ёки бирлашиши илгари сурилган йога таълимоти билан боғлиқ. Инсон руҳининг мутлақ руҳ билан қўшилиши олий мақсад бўлиб, ўз-ўзини чеклаш ва медитация орқали кўзланган мақсадга эришилади. Тасаввуф илми тараққиётида энг юксак даража (камолот)га эришган ҳеч бир ориф “Аллоҳнинг таркибий қисми” бўла олмайди. Ориф фақат ўз моддийлигининг ҳукмронлигидан ҳалос бўлиш туфайли ҳақиқий моҳиятини “жонлантириши”, ривожлантириши мумкин, бу эса маънавий-руҳий камолотдир.

Ҳар қандай комил инсон ҳам, оддий инсон ҳам вафот этиши, сўнгра Аллоҳга қайтарилиши маълум. Ҳар ким қилган амалига яраша жазо ёки мукофот олиши ҳам ҳақиқат. Шундай экан, инсон қандай қилиб тириклигида руҳга айланади ва моддий дунёда Аллоҳ билан бирлашади ёки Аллоҳга қовушади? Қуръон ва ҳадисда нафсини поклаган, комиллик даражасига етган, “муҳсин” банданинг Аллоҳга қовушиши (Аллоҳ билан бирлашиши) ҳақида маълумот йўқ. Бу каби даъво буддавийларнинг “нирвана” ҳолати билан боғлиқ.

Тўртинчи масала, медитациядан мақсад, дунё ташвишларидан узилиш, стресслардан қутилиш, енгиллаш, қўрқув ва ҳис-ҳаяжонни қўлга олишдир. Мусулмон ибодати ва зикри орқали хотиржамлик, қалб таскини, акмеология (етуклик), зиёилик, тозаланиш ва бошқа руҳий ҳолатга бир неча ҳисса ортиқ эришади. Вужуд ва қалбни покламай, медитация қилиб, Худонинг назарига тушиб бўлмайди.

Бешинчи масала, интуиция билишнинг мураккаб “феномени”, иррационал, ҳақиқатни мантиқий далилларсиз англашдир. Интуицияга қадимги юнон файласуфлари Пифагор, Афлотун ва Арасту бевосита билиш жараёни сифатида қарашган бўлса, ирфон аҳли инсоннинг ботиний олами билан боғлиқ иррационал билиш жараёни сифатида талқин этилган. Илмий нуқтаи назарга кўра, интуитив билиш жараёни тажриба, эксперимент, мантиқий мулоҳаза (хулоса) орқали амалга ошади. Интуитив тафаккур тарзини илмий асосда ўрганиш фан келажагининг янги қирраларини эвристик кашф этиш имконини яратади. Тасаввур, хотира, диққат, фаҳм-фаросат, онг, онгсизлик, онг ости соҳаси, инсайт, тафаккур, рационал тафаккур, иррационал тафаккур ва туш кўриш каби ҳолатларнинг уйғунлиги, умумийлиги ва бирлиги интуитив тафаккур кашфига олиб келадики, кўплаб олимлар кашфиётларини интуиция орқали амалга оширганлар. Фаннинг маълум соҳаси бўйича

илмий-тадқиқот олиб борган олимнинг бутун вужудини қамраб олгани учун ғойибона билиш дарчалари очилган ва саъй-ҳаракати натижаси туш орқали намоён бўлган.

Интуицияни ижод билан боғлаш, интеллектуал ёндашиш, субстанция сифатида қараш, иррационал талқин этиш, “илоҳий илҳом” (“илоҳий зеҳн”) сифатида турлича талқин этилса ҳам, интуиция ирфоний билиш моҳиятини очиқ бера олмайди. Бунинг сабаби шундаки, интуиция ирфоний билиш жараёнидан фарқли ранг-баранг руҳий-тарбиявий тизимлар, руҳиятни чиниқтирувчи махсус машқлар, узлат, йогага асосланади. Ҳиндуийлик ва буддавийлик таълимотига кўра, интуитив билиш Худонинг хоҳиш-иродаси билан инсоннинг Худонинг борлиғида йўқ бўлиши (фано) натижасидир.

Олтинчидан, веданта, даосизм, пифагорчилар, платонизм, теософия ва антропософия, насронийлик, гностика, манихейлик, каббала, исовийлик таълимотлари билан тасаввуфий-ирфоний билиш ўртасида жиддий тафовут мавжуд. Каббала ёрдамида инсон ўз-ўзини билиши, буюк куч-қудратга эга бўлиши, мўъжизалар яратиши, нимани хоҳласа, ўшанга эришиш мумкин, деб уқтиради. Иудей ва христианлар каббалани қадимий иудей таълимотининг асл моҳиятини акс эттирадиган ҳақиқий ва қадимий таълимот деб ҳисоблашади. Каббала ғарб дунёсида машҳур бўлиб, барча мистик йўналишлар унинг таъсири остида ривожланган.

Еттинчидан, ҳозирги замон фани оккульт таълимотларни “паранормал эътиқод сифатида” тасниф этади. Эзотеризмнинг амалий кўриниши бўлган оккультизм (сирли, яширин) ҳодисалар ва жараёнларнинг асл сабабчиси номаълум табиий кучлардир, деган ғояга асосланган бўлиб, астрология, магия, алкимё каби амалиёт мажмуидир. Оккультизм инсон ва космосда яшириниб ётган, махсус биопсихоэнергетик тайёргарликдан ўтган инсон тушунишга қодир бўлган таълимотдир. Оккульт билимлар замонавий фан томонидан тушуниб ва ўлчаб бўлмайдиган табиат ёки коинот кучлари ҳақидаги билимлар, воқеалар жараёнини эмпирик тушуниш ёки уни ўзгартириш мақсадини кўзловчи мақсадли ҳаракат, усул ва техникани қамраб олгани учун ҳозирги замон физикаси ва кимёси нуктаи назардан интерпретация қилиш, тушунтириш имкони бўлмаган табиий жараёнлар оккульт назариялар доираси (сирли кучлар)да изоҳланади. Оккультизм, асосан, инсон ҳаёти билан боғлиқ (фойда, бахт, муҳаббат, бойлик) келажакни башорат қилишга йўналтирилган.

Саккизинчидан, магия руҳларни чақириш, амулет (тумор)лар ва сеҳрли қурол, хушбўй дамламалар, гиёҳлар, тошлар, сайёра, буржлар билан боғлиқ, жонсиз нарсаларнинг сеҳрли хусусиятини ишонтиришга қаратилган бўлиб, сеҳргарлик барча динлар, шунингдек, ислом динида ҳам қуфр ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, замонавий кишилар ҳозирга қадар сеҳр ва сеҳргарлик билан боғлиқ алдовга ишониб, айрим ҳолатларда тасаввуф билан боғлиқлигини рўқач қилиш (ҳавода муаллақ туриш, сув устида юриш, келажакни олдиндан айтиб бериш ва ҳаказо) орқали уни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишади. Аслида сеҳргарликнинг тасаввуф билан ҳам, ориф билан ҳам боғлиқлик томони йўқ.

Сеҳрнинг ҳеч бир тури ислом дини нуктаи назаридан маъқуланмаган. Ғарб оламида айрим тасаввуф атамаларидан фойдаланган ҳолда сеҳр ишлатиш, бир сўзни икки маънода қўллаш кенг тарқалган. Қора сеҳргарлик (черная магия)ка оид асарлар яширинча ўзлаштирилган ва бегона одамлардан сир тугилиб, авлоддан авлодга берилган. Сеҳр қилувчилар инсоннинг ақли етмайдиган даражада унинг имкониятидан ташқарида бўлган нарса-ҳодисаларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни жонлантириб, кўғирчоқ, тупроқ, тош, инсоннинг кийими, таоми, иш ҳужжатлари ва ҳаказоларга “жон” бахш этиш ёки “ўлим”га маҳкум этишга ишонтирадилар. Оддий гипноз қоидаларига кўра, доимий такрорланадиган сўз инсон онгида муҳрланади. Энг оғир касаллик билан оғриган беморга “соппа соғсиз” дейиш билан уни дарддан халос қилиш, оддий тумов бўлган одамни “бедаво дардга йўлиқибсиз” деб дардга мубтало қилиш осон.

Шу ўринда Қуръон оятлари билан дуо ўқиш билан сеҳргарлик ўртасида жиддий фарқ борлигини эслатиш жоиз. Биринчисида шифо Аллоҳдан сўралса, иккинчи ҳолатда сеҳргар худолик даъвосида бўлади.

Эътироф этиш ўринлики, бугунги кунда яширин фаолият олиб бораётган ва ўзини етти пуштиси суфий бўлган деб даъво қилаётган сеҳр-жоду билан ўз манфаати йўлида шуғулланаётган кишилар (бундай кишилар Ер юзининг исталган нуқтасида топилади) тасаввуф ва маърифатдан йироқ кишилардир. Сеҳргарлик тасаввуфий тизимнинг бузилган ва бидъатга айланган шаклидир. Ўзларини Аллоҳ Расулининг авлодлари деб атайдиган “саййидлар”га кишиларнинг ихлоси жуда баланд бўлса ҳам, кўпинча улар ислом дини ва тасаввуфдан бутунлай йироқ амаллар (кўй сўйдириб, терисини беморнинг танасига ёпиш) билан одамларни чалғитади. Сеҳр билан шуғулланувчи кишиларнинг кўпчилиги бошқаларга “беғараз” ёрдам бергани холда ўз яқинларига ёрдам беришдан ожизлиги уларнинг қилаётган амаллари ёлғонлигига далилдир. Ирфон илми билан сеҳргарликни бир қолипга солиб бўлмайди, чунки сеҳр илмида ёлғон бор, ирфон илмида Ҳақ ҳақиқати бор. Аллоҳ ҳар бир бандага унинг тоқатига яраша билим, ал, фаросат, фаҳм, дид, бойлик, синов берган. Аллоҳ танланган бандаларига Ўз илмидан ато этади. Сеҳргарлик илмини тўлиқ ўзлаштирган киши Аллоҳ хоҳламаса илоҳий билимдан баҳраманд бўла олмайди. Шунинг учун сеҳр ва сеҳргарлик билан боғлиқ масалага Аллоҳнинг расули тириклигидаёқ нуқта қўйилган.

Хуллас, орифнинг мақсади илоҳий маърифатга эришиш бўлса, башоратчи ёки сеҳргар бу маърифатдан бебахра ва нафси устидан устунликка эриша олмаган оддий одамдир. Унинг сеҳргарлиги унга олам сирларини англаш ёки моҳиятни англашга ожизлик қилади, уни тубдан ўзгартира олмайди. Йоглар мунтазам машқ орқали танасини чиниктиради, лекин бу шафқатсиз интизомга бўйсунган йогнинг руҳиятини бутунлай ўзгартира олмайди. Ҳар бир мақомда орифнинг руҳиятида маънавий юксалиш содир бўлади. Йог эса мунтазам бир мақом (бир ҳолатда нафас олмай бир кун ўтириш ва ҳаказо)да қолади. Буддавий учун нирвана ҳолатига эришиш олий мақсаддир. Бундан ортиқ ҳеч нарсага эриша олмайди. Ғарб адабиётида энг кўп тарқалган туркум китоблар айнан мистик билимлар билан боғлиқлиги шундан далолат берадики, сеҳргар илмга интилгани билан орифнинг борлиқ билан мувозанатли муносабатини англашга қурби етмайди. Илм ўрганиш билан сеҳргарликнинг айрим элементларини ўзлаштириш мумкин, лекин илоҳий илм сеҳргарликдан тубдан фаркланади. Дэвид Хопперфильд сеҳр илмини ўзлаштириб, одамлар кўз ўнгига ғаройиб трюклар кўрсатди: буюк хитой девори орасидан сирғалиб ўтди, озодлик хайкалини ўрнидан кўзғатди, лекин Каъбани силжитиш ҳақидаги иддаоси унинг ўлими билан якун топди. Сеҳргар қанча уринмасин, имконияти чекланган.

Ирфон илми фалсафий маъно берилган тушунчалар қоришиғидан иборат тушунарсиз коидалар парадигмаси ёки психология (ташқи таъсир ва воситалар билан инсон фитрати бошқа нарса, психология инсоннинг хулқ-атворини тавсифлайди, ирфон илми учун инсоннинг асл моҳияти аҳамиятли) ёки “сир” ва ғайб оламидан мужда берадиган бахшилик илми, медитация, гипноз, диагностика, энергетик блокларни очиш, чакра илми ҳам эмас. Диннинг реал мазмунини аниқ билмагунча изланувчи уни қабул ҳам қила олмайди, рад ҳам қила олмайди. Кўпчилик диндорлар диннинг асл моҳияти нима эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганлиги учун барча динларнинг принципиал бирлигини эътироф қилмайдилар. Диннинг моҳияти дин ҳақида қандай ўйлаётганларидек бўлмаслиги мумкин. Сўфий учун диндор одам билан атеист (худосиз) ўртасидаги зиддият худди Ерни теп-текис деб ўйлайдиган одам билан Ерни цилиндр шаклида деб ўйлайдиган одам ўртасидаги зиддият каби: аслида униси ҳам, буниси ҳам бу ҳақда аниқ тасаввурга эга эмас. Ирфон билан бошқа метафизик системалар ўртасидаги тафовут ана шунда англашилади.

Ҳозирги замон психологияси бойликка интилиш “ишончсизлик”нинг белгиси бўлишини кўрсата олди. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги замон психологи билан орифнинг маслаги битта нуқтада туташмайди, аксинча, ҳар икки маслак икки қутбда, бири нафси учун бўлса, иккинчиси нафсидан озод бўлишдир. Кўпчилик тасаввуфни психологик система, шунинг учун “психологияни мукамал ўзлаштириб, сўфийлик илмини ўрганиш мумкин” деб ҳисоблашади. Бу фикрнинг янглишлиги шундаки, пойдевори бўлмаган илм бошқа илм учун пойдевор бўла олмайди. Психолог инсон руҳияти билан ишлайди ва бу жараён вақтинчалик бўлиб, маълум вақт ўтгач, яна психолог ҳузурига бориш эҳтиёжи туғилади. Шу маънода

Карл Густав Юнг ғарб психоанализини Шарқ тасаввуфи билан қиёслаб, “ҳозирги ғарб психоанализи ва у яратган тафаккур йўналишлари Шарқнинг қадимги санъати билан таққослаганда янги бошловчининг уринишларидан бошқа нарса эмас” деб, унинг куртак ҳолида эканлигини эътироф этган. Бунинг сабаби оддий: ориф масалага қалби билан, сеҳргар ёки мистик ёки оккульти ақли билан ёндашади.

Айрим минтақаларда халқ табобати билан шуғулланадиган табибларни “суфий” деб биладилар, аслида у асрлар оша сақланиб келаётган тиб илмининг давомчиси, тасаввуф эса фақат тиб илмидан иборат эмас. Ориф бир назари билан “тупрокни олтинга айлантира олади”, бир дами билан беҳушни ҳушига келтиради, бир дуоси билан золимни зулмдан қайтаради, қусурни фазилатга айлантиради. Бу ишлар, табиийки, табибнинг қўлидан келмайди.

Жалолиддин Румий XIII асрда кашф этган инсон руҳияти диалектикаси бугунги кунда парапсихологлар томонидан ўзгача мотив ва янгича стереотиплар билан халққа етказилмоқда. Бу бир тарафдан фойдали. Масаланинг иккинчи тарафи борки, покланмаган қалб билан рангин бўёқда бўялган ўзгача мотив ва янгича стереотип битта шиддатли ёмғир билан аслини йўқотади. Зеро, ҳикматли сўзлар қалбларга ўрнашиши учун, аввало, қалб Ҳақ “назаргоҳи” бўлиши керак.

Ҳозирги психология, парапсихология, эзотерика илми ғарб психологиясидан олинган бўлиб, ислом дини билан параллел бўлмаган ҳолда ўргатилади. Шунинг учун психологик тренинглар кўпинча исталган ва аниқ натижа бермайди. Чунки содалашган, ичидан фақат маъкул жиҳатлар териб олинган тасаввуф йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Прагматизмга йўналтирилган қарашлар, яъни сўфийлар онгнинг муайян соҳасини қўзғаш (уйғотиш) учун ишлайдилар ва бунда ютукқа эмас, балки алоҳида методга таянадилар” дейдиган психологлар тасаввуфдан ҳеч бир фойда (Аллоҳ Сизга бўйин томирларингиздан ҳам яқинроқдир) кўрмайдилар. Чунки тасаввуф жамиятнинг алоҳида қатлами (бизнес, карьера) учун, заҳматсиз, осмондан тушадиган пуллар, ҳавойи қасрлар, ўзаро хаяжон (эҳтирос) ёки жонсиз умумлашма қайратик сўзлар билан алоқадор эмас.

Шартланмаган тафаккур ва ривожланмаган ақл одамларни тасаввуфга яқинлашишга ундайди, айна вақтда улар ўз қарашларидан воз кечишмайди. Шахсий куч-қудратга бўлиш истагидан келиб чиққан ҳолда сўфий бўлишга интилиш ҳеч қандай самара бермайди. Тасаввуф мустақил қўлланадиган, “онгнинг концентрациялашуви” фрагменти, ягона усулни ўрганиш илми эмас, балки ягона яхлитлик бўлиб, борлик билан бирга қўшилиб оқишдир.

Инсоният соф орифга кучли эҳтиёж сезаётган паллада нима қилиш керак? деган савол кўндаланг бўлади. Бунинг йўли битта. Маърифат орқали илоҳий моҳиятга эришиш, риёзат қилиш, нафсни тарбиялаш, мақомот даражаларини забт этиш ва орифлик сиррига етишдир. Башарият учун маънавий озуқа бўлиб келаётган барча етук асарлар орифнинг қалбига нур каби қуюлиб келган илоҳий номалар бўлиб, ирфондан ташқари бирор илмда бу каби ҳодиса кузатилмаган. Ирфон илмининг сирлилиги, мафтункорлиги, жозибadorлиги ана шу ҳодиса билан изоҳланади.

Ирфон аҳлининг зоҳирий (ташки) дунё билан ботиний (ички) оламни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибаси ҳамма замонлар учун қўл келади. Ирфоний билимлар бошқа динлар ва турли фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўлаллиги билан ҳозирга қадар аслигини йўқотмаган. Ирфон илми илоҳий моҳиятни кашф этиш, комиллик, гўзал ахлоқ, мукамал ишқ, пок руҳият, юксак маънавият, соғлом ақл, ҳикмат ва илм уйғунлигини ўзида мужассам этган Аллоҳни таниш, билиш, англаш ва Аллоҳни севиш илмидир. Инсон руҳиятининг фалсафий-ирфоний тадқиқидан англашилдики, ирфон илми инсонни Аллоҳ билан боғлайдиган энг яқин восита бўлса, ақли инсоннинг қалби ва руҳининг табиби, том маънода инсоншуносдирлар. Жалолиддин Румий тили билан айтганда, ирфон ақли бу ёруғ оламга бўлгани, айиргани келишмаган, бўлинганни улаш, “яраланган”га малҳам бўлиш учун келишган.

Инсоният олдида турган муаммолар ичида унинг руҳияти билан боғлиқ масала етакчи ўринда бўлиб, инсон танаси ва руҳи ўртасидаги мувозанат ўрнатиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлидадир. Ирфонийлик ва инсонийлик тамойили асосида муаммони ҳал этиш мумкин. Бунинг учун аждодлар маънавий меросидан халқимизни баҳраманд қилиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шри Аурабиндо. Идеал человеческого единства. – Санкт-Петербург.: 1998. 215-бет.
2. Шермухаммедова Н. Эпистемология – тафаккур мезони // ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2010. № 3. 63-66-бетлар.
3. Кармин А.С., Хайкин Е.П. Творческая интуиция в науке. – М.: 1971. 19-бет.
4. Норбеков М. Интуиция – это прорыв в будущее. Тайна тайн вселенной / Путь внутрь себя. – М.: Диля, 2011. 6-8-бетлар.
5. Ибн-Сина. Даниш-намэ. – Душанбе.: 1957. 94-бет.
6. Дюпрель К. Введение в изучение оккультических наук. – М.: 2010. 119-бет.
7. Юнг К.Г. Современный человек в исследовании души. – Лондон.: 250-251-бетлар.
8. Wolfram H. The Stepchildren of Science: Psychical Research and Parapsychology in Germany. Amsterdam –NewYork: Rodopi, 2009. 342-бет.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада ирфон илми мистик ва эзотерик билимлар билан қиёсий таҳлил қилиниб, ўзаро фарқли жihatлари очиб берилган ҳамда ирфон илмининг ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда беистисно “калит” вазифасини ўташи илмий асосланган.

Калит сўзлар: тасаввуф, ирфон, ориф, мистика, эзотеризм, сеҳргарлик, мунажжимлик, гностицизм, каббала, йога, парапсихология.

РЕЗЮМЕ:

В статье дается сравнительный анализ ирфан с мистическими и эзотерическими знаниями, раскрываются различия между ними, а также научно обосновано ирфан как играющий функцию “ключа” в решении сложных научных и концептуальных проблем современности.

Ключевые слова: суфизм, ирфан, ариф, мистицизм, эзотеризм, магия, астрология, гностицизм, каббала, йога, парапсихология.

RESUME:

The article provides a comparative analysis of irfan with mystical and esoteric knowledge, reveals the differences between them, and also scientifically substantiates irfan as playing the function of an exclusive "key" in solving complex scientific and conceptual problems of our time.

Key words: Sufism, irfan, arif, mysticism, esotericism, magic, astrology, gnosticism, kabbalah, yoga, parapsychology.

МУНДАРИЖА:

Муминов А.Г.	<i>Ижтимоий адолат тамойили</i>	3
Назаров Қ.	<i>Янги даврнинг тараққиёт стратегияси</i>	7
Ғайбуллаев О.М.	<i>Янги Ўзбекистонда маънавият ва миллий зоя ривожини</i>	11
Нишонбоева Г.	<i>Янгиланаётган Ўзбекистонда маданий ривожланиш имкониятлари</i>	16
Тўраев Ш.Н.	<i>Сиёсат, демократик жамият ва Янги Ўзбекистон</i>	20
Исламходжаев Х. С.	<i>Развитие науки административного права</i>	23
Юсупов С.Б.	<i>Давлат бюджети устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асослари</i>	28
Бекпўлатов У.Р.	<i>Диалектика қонунларининг постклассик талқини</i>	32
Саитқосимов А.	<i>Аҳмад Яссавий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти муаммоси</i>	37
Жураев Н	<i>Фридрих Ницшеннинг қадриятларни қайта баҳолаш концепцияси</i>	42
Убайдуллаева Р.Т.	<i>Социология как междисциплинарная наука</i>	47
То'хтаев Х., Ҳакубова М.	<i>Axborot - psixologik xavfsizlikfalsafiy tadqiqot ob'ekti sifatida</i>	51
Абдуллаев А.Г.	<i>Шарқ мутафаккирларининг социал мобиллик борасидаги ёндашувлари</i>	55
Абдурахмонова М.М.	<i>Оилада ўқувчи болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш профилактикаси</i>	60
Надинова З.П., Элчаев З.А.	<i>Ижодкор оламида интуиция</i>	65
Акрамов Ж.Д.	<i>Ўзбекистон маҳаллий ижро ҳокимияти тизимини модернизациялаш ва соҳада инновацияларни қўллаш жараёнлари</i>	69
Ахмедов Т.А.	<i>Амир Темур ва Темурийлар даврида шариат қонунчилиги</i>	73
Ғаффарова Г.	<i>Билиш назариясида конструктивизм муаммоси</i>	78
Исақова З.Р.	<i>Ирфоннинг мистик ва эзотерик илмлар билан қиёсий таҳлили</i>	82
Норов Т.О.	<i>Алишер Навоий борлиқ фалсафасида космос, макон ва вақт мавзуси талқини</i>	88